● НИМА ДЕЙСИЗ?

***— Аяжон, дам олиш кунига қанча қолди?***

***— Бугун душанба-ку, қизим. Яна тўрт кун боғчага борасан, кейин дам олиш!***

***— Уф-ф! Тезроқ ўтсайди шу тўрт кун...***

*(Қизим билан суҳбатдан)*

# БОҒЧАДАН «БЕЗГАН» БОЛАЛАР

«Яхшиям боғча бор, -- дея ўйлашади турли идоралар ишида банд бўлган оналар. -- Кечгадовур болаларимиздан кўнглимиз тўқ, ўзимиз хотиржам, кайфиятимиз жойида!»

Болалар эса... «Қачон кечқурун бўладию, оналаримиз келиб бизни олиб кетишаркин» деб бот-бот хаёл суришади. Куннинг иккинчи ярмида боғча дарвозаси томон тез-тез қараб қўяверишади. Ҳар куни юз беради бу ҳол. Бугун, эртага, индин...

-- Эрталаб кичик ўғлим албатта бир ҳархашани бошлайди, -- дея ёзғиради ҳамкасбларимдан бири. -- Гоҳ боши оғриб қолади, гоҳ қорни. Илгарилари ишонардим. Энди билсам, бу боламнинг «шумлиги» экан. Боғчага бормаслик учун эрталабданоқ баҳона қидиркан у!

Нега!? Бир пайтлар Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 245-боғча мудираси Холида Эминхўжаева билан суҳбатлашганимда, у кишига шу саволни берганман.

-- Бола боғчада уйидагидек эркин бўлолмайди, -- деганди ўшанда опа. -- Бунинг устига баъзи боғча тарбиячилар борки, болаларни кунузун койигани-койиган: «Унга тегма!», «Жойингда ўтир!», «Тўполон қилма!», «Бурчакка тур!» «Ҳозир калтак ейсан!»... Хуллас, шунақа койишларни эшитаверган бола боғча опасидан ҳадиксираб қолади: ўтир деса ўтириб, тур деса туради. Лекин, ич-ичида боғчаю -- боғча опасига норозилик туйғуси кучая боради. Узоқ йиллик иш тажрибам давомида бу нарсани кўп кузатганман. Шунинг учун ҳам доимо машғулот ўтказилаётган гуруҳларга гўёки «тасодифан» тез-тез кириб тураман. Тарбиячиларнинг болага муносабатини синовдан ўтказаман ҳар гал...

Холида опа билан суҳбатлашиб ўтириб, бир воқеа хаёлимда жонланди. Ёз ўрталарида Ферузани боғчага жойлаштиргандим ўша йили. Ясли гуруҳининг тарбиячиси: «Қизингиз ўргангунича бирор ҳафта вақтлироқ келиб, олиб туринг» дея қайта-қайта тайинлади. Бир куни тушликдан сўнг борсам, гуруҳ эшигига калит осилган, берк. Тарбиячи эшикни сиртдан қулфлаб, қаёққадир кетган. Ичкарида шовқин. Калитни бураб, очдим. Йигирма чоғли бола эшик олдида тўпланиб турибди, баъзи бирлари йиғлаган. Улар орасида қизимни топиб, овутдим. Шунда болаларнинг бариси «Сув бейинг, сув бейинг!» деб чулдирашди. Қарасам, шкаф устидаги шиша банкада яримлаб қолган сув, болалар ҳадеб шу томонга қўлларини чўзишарди. Дарров пиёла олиб, ҳаммаларига бирма-бир сув қуйиб узатдим. Ютоқиб ичишди... Сўнг, негадир жаҳлим чиқди: «Шу жазирама иссиқда болаларни сувга зориқтириб кетишганини...» Менинг ортимдан кирган фаррош аёл кайфиятимни дарров сезди ва изоҳ берди:

-- Ўрнини ҳўллаб қўймасин деб кўп сув беришмайди-да, булар. Болаларнинг сувсаб, қийналаётгани билан ишлари йўқ.

... Бизнингча, болаларни боғчадан бездирадиган жиддийроқ сабабнинг ўзи йўқдай. Аммо, боланинг кўнгли ниҳоятда нозик. У ўзига қилинаётган муомала даражасини тез фаҳмлайди. Болани сохта меҳр билан алдаб бўлмайди. Астойдил меҳр кўргазсангиз, сизни жажжи қалби билан яхши кўриб қолади у. Бордию зуғум қилсангиз, ўкинади, сиздан узоқлашади. Қаровимиздаги қайсики бола ёнимизга келмай бегонасираса, бизни севмаса, демак бунинг сабабини ўзимиздан қидиришимиз лозим.

Феруза «Янги кўйлак олиб беринг» дейдиган одат чиқарди. «Нега ҳадеб янги кўйлак, деяверасан, байрамга ҳали узоқ-ку,» дедим. Шунда қизим менга гинали қараб, деди:

-- Боғча опам фақат янги кўйлак кийиб келган қизларни тиззасига олиб ўтирадилар, «кўйлагинг бунча чиройли, асал қиз?!» деб мақтайдилар...

«Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак» деган иборани кўп гапирамиз. Мен бир пайтлар мулоқотда бўлганимда -- Педагогика илмий-тадқиқот институтининг мактабгача тарбия бўлими мудири Муҳаббат Расулова ҳам худди шу иборага алоҳида урғу берганди.

-- Ўзга болаларниям ўз боласидай сева олиш аслида туғма фазилат, -- дейди Муҳаббат опа. -- Мана шундай фазилатга эга бўлган «боғча опа»гина ҳақиқий тарбиячи саналади!

«Боғча яхшими?» деб сўрасангиз, «Жудаям яхши!» дея жавоб берадиган болалар борми? Албатта! Республикамизнинг турли бурчакларида энг замонавий тарбия усулини қўллаётган намунали боғчалар жуда кўп. Бундай боғчаларда қадимий гўзал қадриятларимиз ширин сўз, турли ўйинлар орқали бола онгига сингдирилмоқда. Машғулотлар оралиғида болаларга достону-ғазаллар ўқиб берадиган «боғча опа»лар ҳам бор. Каттақўрғон туманидаги 9-боғча ҳақида жуда илиқ сўзлар эшитганман. Хизмат сафарим давомида шу боғча ишлари билан қизиқдим. Айтишларича, иқтисодий танглик туфайли боғча маълум муддатга ёпилган. Боғчага қатнаётган кичкинтойларга бу нарса қаттиқ таъсир қилган. «Боғчамиз қачон очилади?» дея ота-оналарини ҳолжонига қўйишмаган улар. Буни эшитиб терисига сиғмай қувонган боғча мудираси Дилором Каримова жами тарбиячилар билан ҳамжиҳат бўлиб, боғчани «очиш» йўлларини қидирганлар. Сўнг улар манзарали дарахт шохчаларидан саватчалар, барглардан сунъий гуллар ясашди, тайёр маҳсулотга бўёқлар ёрдамида ранг бериб, сайқаллашди. Бозорга чиқаришганда, чунонам харидорлар кўпайдики... Тушган даромад боғча харажатларига сарфланди. Қарабсизки, боғча бинойидек ишлаяпти. Оналар ҳам мамнун, болалар ҳам...

Ўшанда кўнглимдан кечди: «Тарбиячи тадбиркор ҳам бўлмоғи керак экан!» Ҳа, бола қалбини забт этиш осон эмас. Қайсики тарбиячи болаларни «ўзиники» қилиб олган экан, бу унинг ютуғи! Аммо, бундай ютуққа эришаётган тарбиячилар унчалик кўп эмасда. Назаримда, тарбиячи бўлмоқ истагида юрган ёшлар ўқув даргоҳларига махсус суҳбат ёки кўрик-танловлар орқали қабул қилинса ва бу нарса уларнинг ишга жойлашиши вақтида ҳам жорий этилса фойдадан ҳоли бўлмасди. Ўзининг хуш одоби, кенг феъли, болажонлигию билимдонлиги билан танловда ғолиб чиққан тарбиячи кўплаб боланинг меҳрини қозониши ҳамда суюкли «боғча опа» бўла олиши мумкин!

«Озод юртимизнинг келажаги ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқ» эканини Президентимиз Олий Мажлис минбаридан туриб қилган нутқларида алоҳида таъкидлаганлар. Ёш авлод тарбиясига мактабгача тарбия муассасаларинданоқ жиддий эътибор бермоқ зарурлигини уқтириб ўтадилар элбошчимиз. Ўсиб келаётган ёш авлод -- бугунги болажонларимиз. Улар ўта ҳушёр, серсавол, тасаввур олами бой... Кўчадан ўтаётган машиналарга ҳайрон бўлиб қарамайди, балки уларнинг маркаларини бехато айтиб беради. Ўзи ҳам энг янги машинани ясашни орзу қилади! Мана шундай зукко болакайларни тарбиялашни зиммасига олган тарбиячи ўз устида масъулият билан ишламоғи, ўзини кунба-кун янгилаб, камолга етказиб бормоғи зарур. Бугунги давр талаби ҳам шундай.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**







***Шаҳрисабз туманидаги «Мироқи» санаторийси сўлим тоғлар қўйнида жойлашган. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, бу гўшанинг мусаффо ҳавоси, роҳатбахш ҳарорати-ю, зилол сувлари киши танасига энг ажойиб дармон бўлар экан. Шу боис ҳам ҳар йили санаторийда минглаб одамлар мириқиб дам олиб, саломатликларини янада мустаҳкамлаб қайтишади.***

**СУРАТЛАРДА:** ***бош врач Вали Музаффаров билан ҳамшира Ойсара Алиева навбатдаги беморни текширувдан ўтказмоқда; санаторий даволанувчилари.***

**Т. КАРИМОВ олган суратлар.**

# ШАХМАТ ЙЎЛЛАРИДА

## УМРНИ УЗАЙТИРАДИ

Германиянинг Монтере шаҳрида узоқ умр кўриш сирларига бағишланган музей бор. У ерга ташриф буюрувчиларнинг эътиборини кўпроқ «бу ёлғончи дунёда қандай узоқ яшаш мумкин?» деб номланган қўлёзма тортади. Унда жумладан шундай тавсия бор: «ёшлик чоғларингда шахмат устида кўп ишла. У ўсмирлигингда турли номаъқулчиликлардан, ақлинг тўлганида ортиқча ташвишлардан ҳоли қилади, кексайганингда эса ўзингга бўлган ишончни оширади ва умрингга умр қўшади».

## СОҒИНЧ

Метьендор шаҳри фуқароси эллик тўрт яшар Брунгильда Шпанинбург денгизчилар рафиқалари учун махсус газета нашр эта бошлади. У газетхонларга мурожаатномасида шундай деб ёзади: «Узоқ денгиз сафарига кетган севикли куёвни соғинганингизда дардингизга шахматдан яхшироқ даво йўқ».

## ДОНОЛАРЧА РАҲБАРЛИКНИ ЎРГАТАДИ

Британия адмирали Шорни Бинг Англиянинг таниқли кишиларидан биригина эмас, балки ўз даврининг кучли, Европанинг етакчи ўйинчилари билан муваффақиятли беллашган шахматчиси ҳам бўлган. 1820 йил 19 октябрда у ўз кундалигига мана нима деб ёзган: «Шахмат фақат қизиқарли ўйингина эмас, балки ҳаётий ҳаракатларингга доноларча раҳбарлик қилиш ҳамдир. Шахмат зўр иродали бўлиш, сабртоқатингни исботлаш, аниқ ва тўғри ҳисоб юритиш зарур бўлган вазиятларда омад кулиб боқишига умид қилиб ўтирмасликка ўргатади

**Анвар ИНОҚОВ.**

● *ЯРМИ ҲАЗИЛ ...*

## ШОИРНИНГ ҚЎЙИ

*Молбозордан бир тирриқ*
*Қўй сотиб олди шоир.*
*Ўз бошига минг ташвиш,*
*Ўй сотиб олди шоир.*

*Гўё саксовул дейсиз,*
*Ўз пулига яраша.*
*Оёқлари чилвирдай,*
*Қўй эмас бу, тараша.*

*Шоир у кун асабий,*
*Толиққан, ҳорғин эди.*
*Озғин шоир эди у,*
*Қўйи ҳам озғин эди.*

*Аслида тили қисиқ,*
*Муттаҳам қўй экан бу.*
*Ўпкаси шамоллаган,*
*Зотилжам қўй экан бу.*

*Ҳали юрмай, ўзини*
*Орқага ташлади қўй.*
*Бир ариқдан ҳатламай,*
*Йўтала бошлади қўй.*

*Бир қарасанг муғомбир,*
*Нобакорга ўхшайди.*
*Кўзларининг тубида*
*Бир гап борга ўхшайди.*

*Унда ҳали куз эди,*
*Келди қишнинг чилласи.*
*Шу қўйини деб шоирнинг*
*Қуриб битди силласи.*

*Узун тунлар йўталиб,*
*Кўзни юмирмади қўй.*
*Арпа бериб боқса ҳам,*
*Ҳаргиз семирмади қўй.*

*Бедаларнинг гулидан*
*Завққа тўлмади бу қўй.*
*Шоир қанча жон чекди,*
*«Одам» бўлмади бу қўй.*

*Айтди шеъру достонлар,*
*Қўй эса бемор эди.*
*Шоир бедор кечалар,*
*Қўйи ҳам бедор эди.*

*Нима билан тугади*
*Бу машмаша, бу савдо?*
*Қўйни «одам» қилай деб*
*Бир шоир бўлди адо.*

*Тириклик гоҳо шундай*
*Ташвиш экан, ўй экан.*
*Шоир олган қўй эса*
*Одам бўлмас қўй экан.*

**Сирожиддин САЙЙИД.**



● *ФУТБОЛ*

# МҲСК — ЯККА ПЕШҚАДАМ



***Футбол бўйича мамлакат 6-чемпионатининг кейинги XXVII-тур учрашувлари бу йил кимнинг чемпион бўлиш имконияти юқори эканлигини ва яна қайси командалар олий лигани тарк этиш хавфи билан яшаётганлигини яна бир бор ойдинлаштирди.***

Таниқли мураббий Рустам Мирсодиқовнинг йигитлари мавсум бошидан буён олтин медалга асосий даъвогар бўлиб келмоқда. Сўнгги турда улар ўзларининг энг хавфли рақиби бўлмиш Фарғонанинг «Нефтчи» командасини қабул қилди ва 3:2 натижа билан ғолиб чиқиб, 72 очко жамғарган ҳолда мавқеларини янада мустаҳкамлаб олишди. Қисқаси ҳарбийлар маҳоратли бош мураббий Рустам Мирсодиқов билан ҳар қанча фахрланса арзийди. 27 учрашувнинг 23тасини ғалаба ила якунлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Мирсодиқовнинг маҳорати шундан иборатки, у киши МҲСКга мамлакатимиздаги бир қанча моҳир футболчиларни йиға билди. Абдуқаҳҳор Маъруфалиев, Нўъмон Ҳасановларнинг командага қилаётган ёрдами беқиёс.

МҲСКдан шу йилнинг ўзидаёқ икки бор мағлубиятга учраган «Нефтчи» пешқадамдан нақ 7 очко ортда қолиб кетди.

Қаршининг «Насаф», Навоийнинг «Зарафшон» командалари 6-чемпионатда ўзига хос ўйин ўтказиб ўз мухлисларини мамнун этишмоқда. Охирги учрашувда қаршиликлар ўтган йилги мамлакат чемпиони «Навбаҳор»ни қабул қилишди ва 3:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Афсуски, «Насаф» ғолибона юришларини мавсумнинг иккинчи даврасида бошлади. Агарда улар йил бошидан ҳудди шу бугунгидек ажойиб ва ҳужумкор ўйин кўрсатиб келганда, совринли ўринлардан бирини эгаллаши эҳтимолдан холи эмасди. Энди уларга ўзидан олдинги погонада бораётган «Пахтакор»ни қувиб ўтиши учун 11 очко керак. Чемпионат якунланишига эса бор-йўғи 7 учрашув қолди.

Мусобақа жадвалининг еттинчи погонасини эгаллаб турган «Зарафшон» XXVII-турда Тошкентнинг «Чилонзор» футболчиларини қабул қилиб, меҳмонлар дарвозасига кетма-кет 5 тўп киритишга муяссар бўлди. «Чилонзор» эса биргина гол билан кифояланди холос.

Самарқанднинг «Афросиёб» футболчилари «Хоразм»нинг меҳмони бўлди ва 1:0 натижа билан енгилиб, биринчи лига сари яна бир «муҳим» қадам ташлади. Ҳозирча олий лигани тарк этиш учун «тайёрланаётган» даъвогарлар сони тўртта («Янгиер», «Афросиёб», «Чилонзор», «Атласчи»).

Эҳтимол «Косонсой» билан «Андижон» ҳам кейинги учрашувлар натижаларига кўра «биринчи лигачилар» сафига қўшилиб қолар. Чунки кейинги учрашувларда ҳар иккала командани «Нефтчи», «МҲСК», «Хоразм»,« Дўстлик», «Насаф», «Навбаҳор», «Пахтакор», сингари кучли рақиблар кутиб турибди.

Шундай қилиб 6-чемпионатимиз тугашига 7 тур қолганда якуний натижалар яна бир бор аниқланди. Бундан буён чемпионликка даъвогарлар ҳам, олий лигани тарк этишни истамаётганлар ҳам бўшашмаслиги зарур, акс ҳолда...

XXVII-турнинг қолган учрашувларининг натижалари:

**«Косонсой» - «Андижон» -- 1:1**
**«Атласчи» - «Янгиер» -- 1:0**
**«Бухоро» - «Сурхон» -- 3:0**
**«Трактор» - «Сўғдиёна» -- 1:1**
**«Дўстлик» - «Пахтакор» -- 3:1**

**XXVII- турдан кейинги вазият ( Олий лига)**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. МҲСК | 27 | 23 | 3 | 1 | 85-30 | 72 |
| 2. «Нефтчи» | 27 | 21 | 2 | 4 | 80-25 | 65 |
| 3. «Навбаҳор» | 27 | 17 | 5 | 5 | 71-32 | 56 |
| 4. «Дўстлик» | 27 | 17 | 4 | 6 | 66-33 | 55 |
| 5. «Пахтакор» | 27 | 15 | 5 | 7 | 49-25 | 50 |
| 6. «Насаф» | 27 | 11 | 7 | 9 | 51-45 | 40 |
| 7. «Зарафшон» | 27 | 11 | 3 | 13 | 45-45 | 36 |
| 8. «Сўғдиёна» | 27 | 10 | 6 | 11 | 33-41 | 36 |
| 9. «Бухоро» | 27 | 10 | 5 | 12 | 34-45 | 35 |
| 10. «Хоразм» | 27 | 10 | 3 | 14 | 49-67 | 33 |
| 11. «Трактор» | 27 | 8 | 8 | 11 | 36-46 | 32 |
| 12. «Сурхон» | 27 | 8 | 7 | 12 | 30-48 | 31 |
| 13. «Андижон» | 27 | 7 | 6 | 14 | 36-49 | 27 |
| 14. «Косонсой» | 27 | 8 | 3 | 16 | 27-52 | 27 |
| 15. «Янгиер» | 27 | 6 | 6 | 15 | 36-53 | 24 |
| 16. «Афросиёб» | 27 | 6 | 6 | 15 | 24-56 | 24 |
| 17. «Чилонзор» | 27 | 6 | 5 | 16 | 37-48 | 23 |
| 18. «Атласчи» | 27 | 6 | 2 | 19 | 27-76 | 20 |

**Нормурод МУСОМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● *ҚОЙИЛ*

# «МАЪРИФАТ ЧОЙХОНАСИ» ЧОРЛАЙДИ

***Ҳеч вақт шоир чойхона мудири бўлганини эшитган ё кўрганмисиз? Бўлмаса Самарқандга келинг-да, «Маърифат чойхонаси»га бир пиёла чой ичишга киринг, нафақат шоир чойхоначини кўрибгина қолмай, балки унутилмас ва қизиқарли учрашувларнинг ҳам гувоҳи бўлиб кетасиз.***

***Қор кетиб, дарахтлар илк куртакларини чиқараётган пайт эди, чамамда. «Чорсу»да бир байрам бўлдики... Худди куртакларнинг юз очаётганини нишонлашаётгандек. Энди бу бино ненидир харид қилувчилар эмас, илм, маърифатга ошно бўлганларнинг қадамжосига айланди. Шоир Жамол Сирожиддин бежиз бу чойхонага мудир этиб тайинланмади.***

***Яхшиси, «Маърифат чойхонаси»нинг мудиридан сўз эшитайлик:***

-- Шаҳар ҳокимининг қарори билан Регистон майдонидаги «Чорсу» тарихий ёдгорлиги биносида «Маърифат чойхонаси» ташкил этилди. Аввало, «маърифат» сўзининг луғавий маъносига эътибор берадиган бўлсак, бу сўз ўзида «танимоқ» деган маънони ташийдики, ўша Фаридиддин Аттор, Низомиддин Алишер ҳазратлари ўз асарларида зикр этган «Шариат», «Тариқат» водийларидан сўнггина ора йўлда қолиб кетмаган соликларга муяссар бўладиган бепоён водий тафаккурда ҳосил бўлади. Солик ана шу водийда ҳақу-ноҳақни танийди, ширин-аччиқнинг фарқига боради. Шу ниятда кекса журналист Аҳмаджон Нарзиқулов воизликларида бошланган «Қуръони карим ривоятлари» деб номланган дастлабки йиғинимизни доимий равишда давом эттириб келаяпмиз.

Ҳозиргача профессор Ахтам Ўролов ташаббуси билан «Темурийлар даври архитектураси ва уларни асраш учун биз кўришимиз лозим бўлган чора-тадбирлар», «Ўн икки мақомнинг қолган «Шаши қани?» (бу суҳбат бир гуруҳ мақомдонлар билан бўлиб ўтганди), ҳуқуқшунослар билан биргаликдаги «Ҳуқуқ маънавияти ва маънавий ҳуқуқ», журналистлар куни муносабати билан «Бугуннинг муншию-дабирлари», академик Т. Ширинқулов воизлигида «Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобининг муҳокамаси, олималар уюшмаси билан ҳамкорликда «Гулбаданбегим таваллудининг 475 йиллиги» каби кўплаб мавзуларда мазмундор йиғинлар ўтказилди.

Дарҳақиқат шундай. «Маърифат чойхонаси» самарқандлик зиёлилар ва маърифатпарвар кишиларнинг суҳбатлашадиган, ҳордиқ чиқарадиган гўшасигина бўлиб қолмай, балки бу ерда Сирожиддиновлар оиласининг «Наво» гуруҳи ўзларининг куй-қўшиқлари билан ҳам ҳар қандай кечага файз киритадилар.

Чойхона очилишига доир қарорда таъкидланганидек, халқимизнинг бой маънавий меросини, унинг жаҳон маданий тарихида тутган ўрнини ўрганиш ва тарғибот қилиш, XX аср бошларида Самарқандда юзага келиб, бутун Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-маданий тараққиётида муҳим ўрин тутган маърифатчилик ҳаракати ва унинг раҳбарлари М. Беҳбудий, С. Айний, О. Гулханий ва бошқаларнинг фаолиятини ўрганиш, матбуотда чиқишлар қилиш режалаштирилган.

Яхши ният йўлдоши бўлган маърифатчиларнинг олиб бораётган хайрли ишлари кўнгилларга ёруғлик олиб киришига умид уйғоняпти.

**Гули ЧЕҲРА**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси маъмурияти Тошкент трактор заводи Давлат ҳиссадорлик жамиятининг тиббиёт санитария қисми бош шифокори Иброҳим Ўринбоевга отаси

**Зайли ЎРИНБОЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси ижтимоий-сиёсий фанлар кафедрасининг катта ўқитувчиси М. С. Қориевага турмуш ўртоғи

**Ғолиб Бориевич ҚОРИЕВнинг**

вафот этиши муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 133-57-34;*
*Хатлар 136-55-39;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-37-85;*
*Иқтисодиёт 136-36-65, 136-07-94;*
*Маънавият 136-35-60;*
*Тунги муҳарририят 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0670, 34.126 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
**Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Навбатчи муҳаррир — Й.Исмоилов.
Навбатчи — Н. Шониёзов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Режапов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.30 1 2 3 4 5 6